2015 йил 16 январь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 11 (12.824)

Баҳоси эркин нархда


**Президент сайлови**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

***Тошкент шаҳрида 15 январь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар Конституциямиз ҳамда сайлов қонунчилигимиз талабларига мос, умумэътироф этилган халқаро андозалар даражасида ташкил этилганини таъкидлади.

Сайловлар натижасига кўра, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вакиллари парламент қуйи палатасида энг кўп – 52 ўринга эга бўлди. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида 305, туман (шаҳар) Кенгашларида 1805 депутатлик ўрнини эгаллаб, парламентда фракция, жойлардаги вакиллик органларида депутатлик гуруҳлари шакллантирилди.

Йиғилишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга тадбир – 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ЎзЛиДеПнинг иштироки билан боғлиқ масала кўриб чиқилди. Унда партиядан номзод кўрсатиш хусусидаги масала муҳокама қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзоди кўрсатилди. Йиғилиш иштирокчилари бу таклифни бир овоздан маъқуллади.

Ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон дунёда ўз обрў-эътибори ва мавқеига эга, барча соҳада изчил ривожланаётган мамлакат сифатида тан олинди. Хусусан, ўтган даврда иқтисодиётимизнинг қарийб 5 карра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,7 марта ўсгани, одамларнинг даромадлари 8,7 баробар кўпайгани ана шундай ижобий ўзгаришларнинг яққол далилидир.

Анжуманда ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши сайлов қонунчилигида белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссиясига партиянинг Президент сайловида иштироки билан боғлиқ ҳужжатларни топшириш бўйича тегишли қарор қабул қилди.

* * *

***Шу куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўли оламшумул тараққиёт ва ўзгаришлар йўли бўлганини таъкидлади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, барча жабҳаларни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда улкан ютуқларга эришилди. Инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилган демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги ислоҳотлар, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда қўлга киритилган муваффақиятлар жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча жабҳаларни янада равнақ топтиришда муҳим босқични бошлаб берди. Бу жиҳатлар миллий сайлов тизимимизни жаҳон андозалари талабларига мос тарзда такомиллаштириш, сиёсий партиялар учун имконият ва ҳуқуқларнинг яратиб берилганида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Йиғилишда таъкидланганидек, сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва жойлардаги вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлардаги фаол иштироки давлат ҳокимиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов номзоди кўрсатилди. Бу таклиф йиғилиш иштирокчилари томонидан маъқулланди.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида банк тизимида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***



**Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда**

## ИМКОНИЯТ ТАШАББУСГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

Тадбирда коллеж битирувчиларининг нафақат ишга жойлашиши, балки банк кредитлари эвазига ўз бизнесини йўлга қўйиб, янги иш ўринлари яратишлари анъанага айланиб бораётгани таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Ёшларга ажратилаётган сармоялар ҳажми йил сайин ортмоқда. 2014 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 200,9 миллиард сўм, ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар учун 322,4 миллиард, ёш оилаларга уй-жой сотиб олишга 234 миллиард сўм сармоя ажратилди. Олий таълим муассасаларида шартнома асосида билим олаётган талабаларга 68 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

– Ўтган йили «Қишлоқ қурилиш банк»дан 5 миллион сўм имтиёзли кредит олгандим, – дейди «Бўстонлиқ-тош» хусусий корхонаси раҳбари, ёш тадбиркор Темур Абдуллаев. – Мазкур маблағ эвазига 10 мингта жўжа харид қилиб, парваришлашни бошладик. Яқин кунларда бозорга парҳез гўшт маҳсулоти чиқарамиз. Келгусида банклар билан ҳамкорликни янада ривожлантириб, фаолиятимни кенгайтириш ниятидаман.

Тижорат банклари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида коллежлар битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Жойларда ёшлар билан учрашувлар, кўргазмали семинарлар, танловлар ўтказилмоқда. Кам фоизли сармоялардан унумли фойдаланиш мақсадида пухта бизнес-режа тузаётган ёшлар сафи кун сайин кенгаймоқда. Ўтган йили «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» танловлари орқали олтмиш йигит-қиз 5 фоизли, икки юз нафари эса 10 фоизли имтиёзли сармоя олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Давоми 2-бетда)

## ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТУЗИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.***

Марказий сайлов комиссиясининг аввалги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 9 ва 14-моддаларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов жамоатчилик орасида обрў-эътиборга эга бўлган кишилардан округ сайлов комиссияси аъзолигига танлаб олинган номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг 2015 йил 13-14 январь кунлари бўлиб ўтган мажлисларида муҳокама қилинганидан сўнг Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилганини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари рўйхати, манзили ва телефон рақамлари маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ВА УЛАРНИНГ ШАХСИЙ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4, 15, $18^1$ ва 19-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссиялари тузилсин ва уларнинг шахсий таркиби қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА**

| | | |
|---|---|---|
| **14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси** *(Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаментига қарашли бино, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй)* Тел.: 0371 232-11-66 | | |
| **Раиси** | | |
| 1. | Инагамов Жовдатхон Султанович | Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси |
| **Раис ўринбосари** | | |
| 2. | Арипджанов Мадаминжон Марипович | Тошкент автомобиль-йўллари институти ректори |
| **Котиб** | | |
| 3. | Азларов Тургун Рахматович | Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб математика ва информатика фанлари ўқитувчиси |
| **Аъзолар** | | |
| 4. | Ан Зоя | Сергели туманидаги 13-оилавий поликлиника бош шифокори |
| 5. | Каньязов Есемурат Султамуратович | Тошкент давлат юридик университетининг ректори |
| 6. | Куранбаев Кахрамон Кучкарович | Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари |
| 7. | Некрасова Татьяна Павловна | Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 60-мактаб директори |
| 8. | Расулова Мухаррам Нурматовна | Олмазор туманидаги «Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси |
| 9. | Сабиров Джурабай Марифбаевич | Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори |
| 10. | Саидов Бахтинур Хамдамович | Учтепа туманидаги Журжоний номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси |
| 11. | Шоев Салим Акбарович | Тошкент шаҳар Яшнобод туманидаги «Келажак сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори |

2. Округ сайлов комиссиялари таркиби, жойлашган манзили ва уларнинг телефон рақамлари кўрсатилган маълумотлар матбуотда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси**
**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 16 январь*

## ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИНИНГ АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида шу йил 13-14 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган сайлов якунлари кўриб чиқилди.***

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ҳокимият вакиллик органлари депутатларининг Олий Мажлис Сенати аъзоларини сайлаш бўйича қўшма мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида очиқ ва ошкора ўтганини таъкидлади. Қонунчилик бузилиши билан боғлиқ ҳолат қайд этилмади.

Сенат аъзолигига номзодлар Оқсоқоллар кенгашлари томонидан маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан кўрсатилди.

Яширин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари орасидан сайланди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган аъзоларни қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олди.

**(ЎзА)**

***Шанхайда чоп этиладиган «Дунфан Цзаобао» («Шарқ тонги») газетасида ушбу нашр ижодий ходими Вэй Синнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари ҳақидаги туркум мақолалари эълон қилинди. Уларда журналистнинг мазкур муҳим сиёсий воқеани ёритиш учун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширган ижодий сафари қаламга олинган.***

## «ДУНФАН ЦЗАОБАО» ГАЗЕТАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ҲАҚИДА

Муаллиф мақолаларида Ўзбекистонда 2014 йил долзарб воқеаларга бой бўлгани, улар орасида республика Олий Мажлисига сайловлар энг муҳим аҳамият касб этгани алоҳида таъкидланади.

Нашрда мазкур сайловлар қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, парламентаризм институтини янада кучайтириш шароитида ўтгани хусусида ёзилиб, «Қонунчилик палатасига сайлов бўйича ҳар бир сайлов округида ўртача 154 минг сайловчи ҳисобга олинган ҳолда 135 та сайлов округи тузилди, 9035 та, шу жумладан, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси ташкил этилди», дея хабар берилади. Шунингдек, муаллиф «Сайловлар мониторингида кўп сонли хорижлик ва халқаро экспертларнинг қатнашгани Ўзбекистоннинг ўсиб бораётган обрў-эътиборидан ҳамда мамлакатда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларга жаҳон ҳамжамияти катта қизиқиш билан қараётганидан далолат беради», дея қайд этади.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов Комиссиясининг ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1. 2015 йил 13-14 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ўтказилган сайлов якунлари тўғрисидаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлислари баённомаларига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:**

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА**

| № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) | Иш ва яшаш жойи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Гаибназаров Боходир Рихсиалиевич | 1970 | Олмазор тумани ҳокими | Тошкент шаҳри |
| 2. | Дадаходжаев Фаррух Саидахмедович | 1949 | «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси | Тошкент шаҳри |
| 3. | Низамходжаев Зайниддин Махаматович | 1954 | В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлими мудири | Тошкент шаҳри |
| 4. | Усманов Рахманбек Джахангирович | 1960 | Тошкент шаҳар ҳокими | Тошкент шаҳри |
| 5. | Хикматов Хайрулла Хикматович | 1947 | Олмазор туманидаги «Ачаобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси | Тошкент шаҳри |
| 6. | Шин Агрепина Васильевна | 1958 | Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори | Тошкент шаҳри |

2. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси Раиси**
**М.АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 15 январь*

# «ДУНФАН ЦЗАОБАО» ГАЗЕТАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИБ ЎТГАН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ҲАҚИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хитойлик журналист газета ўқувчиларини Тошкентнинг турли сайлов участкаларидаги овоз бериш жараёни билан атрофлича таништирган. Унинг ёзишича, «Фуқаролар эрталабданоқ кўтаринки кайфиятда ўзлари танлаган муносиб номзодларни ёқлаб овоз бериш учун сайлов участкаларига келишди. Чунки улар парламентда ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларида электорат манфаатларини илгари суришади ва ҳимоя қилишади».

Вэй Син сайловларда ёшларнинг фаол иштирок этгани ва уларнинг ўз мамлакати тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга бўлган интилишлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталган.

«Дунфан Цзаобао» репортёри ўзбекистонлик сайловчиларнинг юксак ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, уларнинг сайловларда қатнашган турли сиёсий партиялар дастурларидан жуда яхши хабардор эканлиги ҳамда ўз Ватани тақдирига муносабати даражаси юқорилигидан катта таассуротлар орттирганини таъкидлайди. «Овоз бериш жараёни сайловчиларнинг фаол иштирокида, четдан ҳеч бир аралашувларсиз, шаффофликда ва юксак ташкилотчилик руҳида ўтди. Сайлов участкалари яширин овоз бериш хоналари, оналар ва болалар ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш учун алоҳида бўлмалар билан жиҳозланган. Саломатлиги туфайли сайлов участкасига кела олмаган сайловчилар ўз уйларида овоз беришлари учун маҳаллий сайлов комиссияси томонидан барча шарт-шароит ташкил қилинган эди», деб ёзади у.

Муаллиф мамлакат бўйича сайловчилар рўйхатига 20 миллион 789 минг 572 нафар сайловчининг исми шарифи киритилгани ҳолда сайловда 18 миллион 490 минг 245 нафар ёки сайловчиларнинг 88,94 фоизи қатнашгани ҳақидаги маълумот билан бирга, ушбу муҳим сиёсий тадбир юзасидан хорижлик кузатувчилар ҳамда халқаро ташкилотлар вакилларининг баҳолари ва фикр-мулоҳазаларини ҳам қаламга олган. Жумладан, МДҲ кузатувчилари миссияси раҳбари, МДҲ Ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловлар миллий қонунчиликка, халқаро умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мувофиқ, очиқ ва ошкора тарзда ўтказилгани хусусида баёнот бергани, ўз навбатида, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси раҳбари, ШҲТ Бош котиби ўринбосари Маҳмадшариф Хакдодовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Ўзбекистон томонидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларга мувофиқ равишда очиқ, ошкора ва демократик руҳда ўтгани тўғрисида расман фикр билдиргани ҳам хитойлик газетхонларнинг эътиборига ҳавола қилинган.

«Парламент сайловлари сайлов ҳуқуқи талаблари бузилмаган ҳолда, ҳалоллик ва очиқлик муҳитида, демократия меъёрлари ҳамда Конституция тамойилларига ва амалдаги қонунларга мувофиқ ўтди, — деб ёзади Вэй Син. — Ўзбекистонда бўлган чоғимизда биз сайлов жараёни ташкил этилишига жуда пухта тайёргарлик кўрилганига ишонч ҳосил қилдик. Фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилаётган эътибор ҳам юксак баҳога лойиқдир».

**«Жаҳон» АА**
Шанхай

# ИМКОНИЯТ ТАШАББУСГА ҚАНОТ БАҒИШЛАЙДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Дастлабки сармояни мақсадли ишлатган ёшлар келгусида банклардан яна молиявий мадад олиш имкониятига эга бўлади. Жойларда айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўлдиришга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқда. Ўтган йили 250 минг нафар йигит-қиз иш билан таъминлангани бунинг ёрқин исботидир.

Матбуот анжуманида таъкидланишича, қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг маиший турмуш даражасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Намунавий лойиҳалар асосида замонавий турар жойлар, ҳар бир вилоятда ёш оилалар учун «Камолот» уйлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. 2014 йилда топширилган 50 ана шундай уйнинг қурилиши учун пудратчи ташкилотларга тижорат банклари томонидан 90 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Хусусан, «Қишлоқ қурилиш банк» ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қулай шароит яратиш мақсадида Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида учтадан уйларни қуриш учун 15,4 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратди. Жорий йилнинг май ойида фойдаланишга топшириладиган мазкур уйлар ёш оилаларга бошланғич бадал тўланмасдан 20 йил муддатга, 5 йиллик имтиёзли давр билан Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенг фоиз ставкада берилмоқда.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## Тадбирлар

***Ватан ҳимоячилари кунини кенг нишонлаш мақсадида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент бирлашган техника мактабида «Ватан — улуғ, бурчим муқаддас» мавзуида байрам тадбири ташкил этилди.***

# ВАТАН УЛУҒ — БУРЧИМ МУҚАДДАС

Тадбирда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда туман ташкилотлари ходимлари, Тошкент бирлашган техника мактаби курсантлари, шаҳар ҳокимлиги, Мудофаа ишлари бошқармаси, Ўзбекистон Фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг шаҳар бўлими, «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши ва бошқа бир қанча мутасадди ташкилотлар ходимлари қатнашди.

Мазкур тадбир давомида спортнинг техник ва амалий турлари, автоспорт, картинг, мотоспорт, радиоспорт ва моделсозлик бўйича кўргазма иштирокчиларнинг эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, тадбирда ташкилотнинг бир гуруҳ фаоллари ва йил якунлари номинациялари бўйича ғолиб чиққан ташкилот ва унинг аъзолари, юқори натижаларга эришган спортчилар тақдирланди. Унга кўра «Энг намунали туман кенгаши» номинациясида Мирзо Улуғбек туман кенгаши, «Энг намунали ЎСТК» «Ватанпарвар» ташкилоти йўналишида «Бектемир ЎСТК» унитар корхонаси, «Энг яхши ҳакам» «Ватанпарвар» ташкилоти «Яшнобод ЎСТК» ҳаками В.Сабиров, «Энг яхши мураббий» «Ватанпарвар» ташкилоти «Олмазор ЎСТК» унитар корхонаси мураббийи А.Душаков, «Йилнинг энг яхши спортчиси» «Тошкент спортнинг техник ва амалий турлари маркази» унитар корхонаси мергани В.Свечниковлар ғолиб деб топилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир сўнгида хушовоз хонандаларнинг куй ва қўшиқлари ҳамда Юнусобод тумани «Баркамол авлод» болалар ижодиёт марказининг «Кўзмунчоқ» болалар гуруҳининг рақслари иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

**Зафар НАЗАРОВ**

# ФАОЛ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежида «Ватан ҳимояси энг олий бурч!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.***

Коллежнинг «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган тадбирда ушбу ўқув масканининг фаол ўқувчилари ўзларининг ҳарбий тайёргарликларини яна бир карра синовдан ўтказишди.

Тадбир давомида ўқувчилар бир неча шартдан иборат танловда бор маҳоратларини кўрсатишди. Ҳарбий билимларини аниқловчи тест ҳамда турли спорт машғулотлари орқали ўзларини Ватан ҳимояси муқаддас бурчлигини, чаққон ва эпчиллик йигитларга хос фазилат эканлигини намоён қилишди.

Тадбирда сўзга чиққан Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи директори «Ватан ҳимояси энг олий бурч!» деб номланган бу каби тадбирлар ёшларда Ватанга муҳаббат ва бурчга садоқат туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди. Тадбир давомида фаол ўқувчилардан иборат ёшлар бадиий чиқишлар қилишди. Ўтказилган танловда ғолиб бўлган ўқувчиларга ташкилотчилар томонидан диплом ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Ватан келажаги ва истиқболи келажак авлод қўлидадир. Шунинг учун ҳам биз унинг қорига ярайдиган, сарҳадларини кўз қорачиғидек асрайдиган, юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қиладиган ва шаънини кўкларга кўтарадиган ёшларни тарбиялашимиз лозим.***

# ЎҚУВЧИЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Шу муносабат билан Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда «Ватан улуғ — бурчим муқаддас!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Унда лицейнинг 1-босқич, 1-14 гуруҳи ўқувчилари устозлари Изатилла Раҳимов бошчилигида ўзларининг байрам дастурларини намойиш этиб, тадбир иштирокчиларини хушнуд этишди.

Айниқса, ҳарбийлар ҳаётидан олинган саҳна кўринишлари барчага бирдек манзур бўлди. Ўқувчилар яна бир бор ўз ҳаётини Ватан истиқболи, фаровон келажаги учун бағишлаб яшаш инсоний ва фуқаролик бурчи эканлигини англаб етишди.

**Насиба МАМАТЖАНОВА,**
**ТАҚИ қошидаги академик лицей ўқитувчиси**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Наманган шаҳридаги 58-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб мардлик ва жасорат дарслари ўтказилди. «Ватан – улуғ, бурчим муқаддас!» шиори остида ташкил этилган тадбирда Наманган шаҳридаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган бир гуруҳ сержант ва аскарлар бошланғич ва юқори синфларда ўтказилган мардлик ва жасорат дарсларида қатнашди.**

**● Нукусда Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллигига бағишлаб «Менинг армиям – менинг фахрим» деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмада Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳузуридаги ихтисослашган санъат мактабида таҳсил олаётган 27 нафар иқтидорли ўқувчининг 80 дан ортиқ графика, акварель, мойбўёқ усулида яратилган асарлари намойиш этилмоқда.**

**● Андижон вилояти Балиқчи туманида «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Янги қиёфага кирган марказ 56 миллион 650 минг сўмлик жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, бу ерда мусаввирлик, экология ва ҳунармандлик, тил ўрганиш каби 13 йўналиш бўйича тўгараклар фаолияти йўлга қўйилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Schiumberger йирик нефть етказиб берувчи компанияси ўзининг 9 минг нафар ходимларини — барча ишчи-хизматчиларнинг 7 фоизини қисқартиришини маълум қилди. Жаҳон бозорида нефть нархининг тушиб кетиши ва Schiumbergerнинг мижозлари бўлган нефть компаниялари учун бурғулашга бюджет маблағларининг қисқартирилиши бунга сабаб бўлган.**

**● Россиянинг Обнинск шаҳрида Сибирь зотига мансуб Машка лақабли мушук кўчада совуқда қутида қолдирилган чақалоқнинг ҳаётини сақлаб қолганлиги билан машҳур бўлиб кетди. Гап шундаки, ушбу мушук 2-3 ойлик гўдакни бир неча соат давомида танаси билан иситиб турган ва яқин атрофдаги уйларда истиқомат қилувчи аҳолини жалб этиш учун миёвлаган. Охир-оқибатда бола касалхонага ётқизилганида унда тананинг совуққа чалиниши белгилари кузатилмаган. Ҳозирда полиция боланинг ота-онасини изламоқда.**

